

УДК:636.22/28.2.084.636.2.083.2.

**СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ ТАНАЛАРНИНГ ЖАДАЛ ОЗИҚЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ****Асраев У Н***Тошкент Аграр Давлат Университети, қ.х.ф.ф.д.*

Аннотация: Тадқиқотда симментал таналарнинг жадал парвариш жараёнида ўстириш даврлари ва биринчи уруғлантириш ёшигача сарфланган озуқалар миқдори ўрганилди. Жадал ўстирилган таналарнинг биринчи уруғлантириш ёши 15.6 ой ва тирик вазни 391.4 кг ташкил қилди, бу кўрсаткич тенкурларда мос равишда 17.3 ой ва 360.2 кг ташкил қилган.

Аннотация: В исследовании изучены расход кормов телок симментальской породы по периодам роста и до первого осеменения. Интенсивно выращенных телок возраст первого осеменения составило 15,6 месяцев при живой массе 391,4 кг, у сверстниц этот показатель составил соответственно 17,3 месяцев и 360,2 кг

КИРИШ

Бузоқ ва ёш қорамолларни боқиш тизимини танлаш иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳайвоннинг тури, зоти, сифати ва мақсади, шунингдек озуқа базасининг ҳолати билан белгиланади.

Туғилганда, бузоқ зотига қараб 25-45 кг ёки ундан ортиқ вазнга эга бўлади, бу сигир вазнининг 8-10%-ни ташкил қилади. Бир ёшга келиб, тўғри озиқланадиган ва оптимал парвариш қилинадиган ёш ҳайвонларнинг оғирлиги ўртача 255-360 кг.га етади.

Қорамолчиликда ёш молларнинг ўсиш, ривожланиш даражасини чуқур ўрганишда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда, наслдор ва маҳсулдор моллар подасини яратишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Айниқса чорва моллари туғилгандан сўнг улар танасидаги моддалар алмашинуви жараёнларини ҳосил бўлиши зотига, ёшига, ташқи муҳитга мослашишига озиқлантиришга ва маҳсулот бериш йўналишига қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Илмий-тадқиқот тажрибалари 2023-2025 йиллар мобайнида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон темир йўлларига қарашли “Сардоба” наслчилик хўжалигида олиб борилди.

Тажриба ўтказиш учун ўхшашлик белгилари бўйича бузоқларнинг зоти, жинси ва ёши, туғилгандаги тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 15 бошдан иборат 2-та гуруҳ 15-бошдан симментал зотли урғочи бузоқлар танлаб олинди.

Тажриба гуруҳидаги бузоқларни ривожланиш давларида жадал усулда озиқлантириш, ҳар бир бузоқ индивидуал ривожланиши учун озиқлантиришнинг оптимал шароитлари яратилди.

Тажриба гуруҳи таналарининг 6 ойлик ёшидан 15 ойлик ёшига қадар 750-850 г кунлик вазн олиш учун озуқанинг туйимлилиги озиқлантириш рационидан назорат гуруҳига нисбатан 20-30 %-га оширилди. Назорат гуруҳи урғочи таналари хўжалик рациони асосида боқилиб, 600-650 г кунлик вазн олишга мўлжалланган хўжалик рациони асосида боқилди.

Тадқиқот натижалари. Зоотехния фанида озуқа сарфи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, тажрибада тадқиқотни самарадорлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Тажриба гуруҳи урғочи таналари тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан беда пичани 106,9 кг, сенаж озуқаси 462,3 кг, маккажўхори силоси 424,2 кг ортиқча сарфланиб, омукта озуқаларнинг салмоғи тажриба гуруҳида арпа ёрмаси 43,0 кг, маккажўхори ёрмаси 23,4 кг, буғдой кепаси эса 34,8 кг.га ортиқча бўлди.

Тажриба гуруҳи урғочи таналари 270 кунлик ўстириш даврида 22193,4 Мж алмашинувчи энергия, 2239,0кг энергетик озуқа бирлиги, 1705,8 кг озуқа бирлиги, 2313,1 кг қуруқ модда, 171,9 кг ҳазмланувчи протеин, Са 26,37 кг, Р 13,2кг сарфланди.

Тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан 4506,9 Мж алмашинувчи энергия, 470,35 кг энергетик озуқа бирлиги, 357,95 кг озуқа бирлиги, 478,32 кг қуруқ модда, 12,34 кг ҳазмланувчи протеин, 6,4 кг Са ва 4,84 кг Р ортиқча сарфланди.

Назорат гуруҳи таналарининг ўртача ёши 519 кунлигига етганда, ёки 17,3 ойлик ёшида тўлиқ сунъий уруғлантирилди ва гуруҳига ўтказилди.

1-жадвал

Тажрибадаги урғочи таналарнинг(6-15 ой) 450 кунлик ёшига қадар озуқа сарфи, кг (1 бошга ўртача)

Озуқа турлари	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Беда пичани	385,5	492,4
Сенаж	1770	2232,3
Маккажўхори силоси	1472	1896,2
Арпа ёрмаси	172,0	215,1
Маккажўхори дони	94,0	117,4
Буғдой кепаси	138,0	172,8
Озуқа таркибидаги озуқа бирлиги	1347,85	1705,8
Алмашинув энергия, Мж	17686,5	22193,4
Қуруқ модда	1834,78	2313,1
Ҳазмланувчи протеин	159,56	171,9
Энергетик озуқа бирлиги	1768,65	2239,0

Хом клетчатка	454,1	547,7
Қанд	63,77	84,5
Краxмал	171,82	258,4
Хом ёғ	62,03	78,0
Кальций	19,97	26,37
Фосфор	8,36	13,2

(1-жадвал). Тажриба гуруҳи таналарининг ўртача ёши 468 кунлигига етганда, ёки 15,6 ойлик ёшида тўлиқ сунъий уруғлантирилди ва ғунажин гуруҳига ўтказилди. Бу даврга келиб тажриба гуруҳидаги урғочи моллар хўжалик рационини асосида боқилди. Тажрибадаги назорат гуруҳига (2-жадвал) ўртача бир бошга озиқа бирлиги 90 кун давомида 125 кг беда пичани, 512 кг сенаж, 487 кг маккажўхори силоси, арпа ёрмаси 60 кг, маккажўхори ёрмаси 31 кг, буғдой кепаги 65 кг сарфланди. Бу давирда озиқа бирлиги 440,3 кг, алмашинувчи эрергия 5740,1 Мж, қуруқ модда 590,9 кг, ҳазимланувчи протеин 51,73 кг, хом клетчатка 142,03 кг канд 20,5 кг, крахмал эса 58,2 кг.ни ташкил қилди.

2-жадвал

Назорат гуруҳи урғочи таналарнинг (15-18 ой)ёшига қадар озуқа сарфи, кг (1 бошга ўртача)

Озуқа турлари	Гуруҳ
	Назорат
Беда пичани	125
Сенаж	512
Маккажўхори силоси	487
Арпа ёрмаси	60
Маккажўхори дони	31
Буғдой кепаги	65
Озуқа таркибидаги озуқа бирлиги	440,29
Алмашинувчи энергия, Мж	5740,1
Энергетик озуқа бирлиги	574,1
Қуруқ модда	590,90
Ҳазмланувчи протеин	51,73
Хом клетчатка	142,03
Қанд	20,5
Краxмал	58,2
Хом ёғ	20,2
Кальций	6,2
Фосфор	1,6
Ош тузи	1,8

Тажрибамиздаги назорат гуруҳидаги таналар қочирилганга қадар ўртача рацион таркибини 4,89 кг озиқа бирлиги, 63,8 Мж алмашинуви энергия, 6,60 кг қуруқ модда ҳамда 575 г хазимланувчи протеин ташкил этди. Бу даврга келиб назорат гуруҳидаги таналар сунъий усулда қочирилиб гўнажин гуруҳига ўтказилди.

3-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳи ҳайвонларининг 6 ойлик ёшидан биринчи марта уруғлантирилгунга қадар сарфланган озуқа(1 бошга кг)

Озуқа турлари	Назорат	Тажриба
	Биринчи уруғлантириш ёши, ой	
	17,3	15,6
Озуқа сарфи		
Пичан	526,7	492,4
Сенаж	2060,3	2053,3
Маккажўхори силоси	2220,3	1896,2
Арпа ёрмаси	246,3	245,1
Маккажўхори дони	169,5	167,4
Бугдой кепаци	204,0	172,8
Озуқа таркибидаги: озуқа бирлиги	1808,1	1705,8
Алмашинувчи энергия, Мж	23513,1	22193,4
Қуруқ модда	2456,1	2313,1
Ҳазмланувчи протеин	181,7	171,9
Хом клетчатка	584,1	547,7
Қанд	89,2	84,5
Крахмал	263,2	258,4
Хом ёғ	83,5	78,0
Кальций	19,4	18,6
Фосфор	14,7	13,2
Каротин,г	125,0	117,4
Витамин Д, минг ХБ	637819	603891

Юқорида кўриниб турганидек назорат гуруҳидаги бузоқлар жинсий етилиши ёки уруғлантиришгача етилиш даври қисман узайганлиги сабабли, яъни тажриба гуруҳидаги бузоқлар 15,6 ойлик ёшида ёки 469 кунлик бўлса, назорат гуруҳидаги бузоқлар 17,3 ойлигида ёки 519 кунлик ёшига етганда қочирилиб, бу кўрсаткич тажриба гуруҳига нисбатан 51 кунга ортиқча бўлиб, назорат гуруҳи гўнажинларига сарфланган озуқалар миқдори бир оз тажриба гуруҳига нисбатан ортиқча бўлди. 3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, назорат гуруҳида биринчи уруғлантиришгача етилиш даврида тажриба гуруҳидаги бузоқларга нисбатан дағал озуқалар 1,6 фоизга, ширали озуқалар 17,1 фоизга, концентрат озуқалар эса 5,9 фоизга кўп сарфланган.

Демак, 6 ойлик ёши давридан биринчи уруғлантиришга тайёр бўлган давргача тажриба гуруҳидаги таналар учун сарфланган озуқа бирлиги 1705,8 кг.ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги бузоқларга нисбатан айнан шу давр учун 5,7 фоизга кам сарфланган, шунингдек, ҳазмланувчи протеин ҳам мос равишда 5,4 фоизга кам сарфланган. 1 кг тирик вазн учун айнан шу даврда тажриба гуруҳидаги бузоқларда 7,64 кг озуқа бирлиги сарфланган бўлса, шу давр мобайнида назорат гуруҳидаги бузоқларда 1 кг тирик вазн олиш учун сарфланган озуқа бирлиги 11,9 фоизга кўпроқ бўлган. Шунингдек, назорат ва тажриба гуруҳидагиларга 6 ойликдан жинсий етилишгача бўлган давр мобайнида 1 бошга мос равишда алмашинувчи энергия 23513 ва 22193,4 Мж, қуруқ модда 2456,1 ва 2313,1 кг, ҳазмланувчи протеин 181,7 ва 171,9 кг миқдорда сарфланган.

Хулоса. Ўсиб бораётган молларнинг ёши ортгани сари озуқага бўлган талаби ҳам ортиб бораверади.

Бу албатта жинсига, ёшига, маҳсулдорлигига ва зотиغا ҳам боғлиқ. Дастлабки ойларда бузоқлар аминокислоталар, углеводлар, ёғлар, витаминлар, ёғ ва минералларга бой озуқалар билан озиқлантирилиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда тажриба таналарининг рационлари мувозанатлаштирилган 6 ойгача бўлган даврда боқиш схемага мувофиқ амалга оширилди, назорат гуруҳида ўртача кунлик тирик вазн ўсиши 650-700 г-ни, тажриба гуруҳида 800-850 г-ни ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР:

Акмалхонов Ш.А., Аширов М.Э. Қорамолчиликда наслчилик ишининг вазифалари.//Зооветеринария.-Тошкент,2009.-№ 10. -Б. 35-37.

Алентаев А.С. Влияние паратипических факторов на реализацию потенциала животных. “Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Монголии”, II том.-Алматы,2009.-С.25-27.

Аширов М.И., Аширов Б.М., Юлдашев А.А. Разведение голштинского скота в Узбекистане. Монография-Тошкент: Издательство «Навруз», 2020-272 с.

Носиров У.Н., Мақсудов И., Хамроқулов Р., Дўстмухамедова М. Қорамолларни бир хил озиқлантириш типига ўтказиш ва маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-амалий асослари. // Зооветеринария. -Тошкент,2010. -№1. Б. 29-34.